

СУРХОН ҚЎРИҚХОНАСИ ФЛОРАСИ ТАРКИБИДА ЭНДЕМ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БИОЭКОЛОГИЯСИ

Қарабаева Дилфуза Жўраевна - ўқитуви, Термиз давлат университети,
Термиз, Ўзбекистон.

Холиёрова Барчиной Турсунали қизи – талаба, Термиз давлат
университети, Термиз, Ўзбекистон.

Аннотация: Ушбу мақолада Сурхон давлат қўриқхонаси флорасининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, Кўхитанг тизмасида тарқалган эндемик ўсимликлар турлари таҳлил қилинган. Мақолада Сурхон давлат қўриқхонаси флорасининг географик таркиби ва экологик аҳамияти ўрганилиб, ўсимликлар турининг генофонди ва биохилма-хиллигини сақлаб қолиш муҳимлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: Сурхон қўриқхонаси, Кўхитанг тизмаси, эндемик ўсимликлар, Тоғли Ўрта Осиё флора провинцияси, биохилма-хиллик.

Аннотация: В данной статье рассматриваются особенности флоры Сурхандарьинского государственного заповедника, включая эндемичные виды растений, распространённые в хребте Кугитанг. Исследован географический состав и экологическая значимость флоры заповедника, подчёркивается важность сохранения генофонда и биологического разнообразия видов растений.

Ключевые слова: Сурхандарьинский заповедник, хребет Кугитанг, эндемичные растения, флористическая провинция Горного Средней Азии, биологическое разнообразие.

Dilfuza Qoraboeva Jo‘rayevna – teacher, Termez State University, Faculty of
Natural Sciences, Termez, Uzbekistan.

Holiyorova Barchinoy Tursunali qizi – student, Termiz State University,
Termiz, Uzbekistan.

Annotation: This article examines the unique features of the flora of the Surkhan State Reserve, including endemic plant species found in the Kohitang Range. The geographical composition and ecological importance of the reserve's

flora have been analyzed, emphasizing the necessity of preserving the plant species gene pool and biodiversity.

Keywords: Surkhan Reserve, Kohitang Range, endemic plants, Mountain Central Asia floral province, biodiversity.

Сурхон давлат кўриқхонаси жойлашган Кўхитанг тизмаси Россия Ботаниклар уюшмасининг президенти, Ўрта Осиё флорасининг йирик билимдони Р.В. Камелиннинг диққат марказида бўлиб келган. У 1973 йилда нашр эттирган асарида Тоғли Ўрта Осиёда Кўхитанг тизмасининг тутган ўрнига баҳо беради ва уни Тоғли Ўрта Осиё провинциясининг Фарбий Ҳисор округи таркибига киритади. Айнан, у Кўхитанг тизмасининг флористик хилма-хиллиги масаласига оидлик киритади ва С.А. Невскийнинг дастлабки маълумотларини бойитади [1].

Кўхитанг тизмасининг флораси Тоғлиўртаосиё флораларига хос хусусиятларга эга ҳамда таркибида эндем турлари кўплиги билан бошқа худуд флораларидан ажралиб туради.

Кўхитанг тизмасининг шарқий ёнбағрида жойлашган Сурхон кўриқхонасининг флораси 77 оила, 372 туркумга мансуб, 743 турдан иборат бўлиб, кўриқхона флорасининг географик элементлар таркиби Қадимий Ўртаерденгизи флораси учун характерлидир [2]. Ксерофит хусусиятга эга бўлган Қадимий Ўртаерденгизига хос турлар тизма флорасида 296 турни (умумий турларнинг 39,83%) ташкил этса, Тоғлиўртаосиё турлари 164 турдан (22%) иборат. Шунингдек, Кўхитанг тизмаси умумий флораси таркибининг 12% ареали кенг майдонларга тўғри келадиган (палеарктика, голарктика, плюрегионал) турлар ёки ёввойи ўт ўсимликлар (*Chenopodium album* L., *Parietaria serbica* Ранс., *Convolvulus arvensis* L. кабилар) ташкил этади.

Кўхитанг тизмаси худуди Туркманистон ва Сурхон-Шеробод чўл-текисликларига яқин бўлганлиги учун бу ерда чўл минтақасига хос бўлган турон типи вакиллари (*Alhagi kirghisorum* Schrenk, *Aphanopleura capillifolia*

(Regel et Schmalh.) Lipsky, *Cryptosphora omissa* Botsch., *Spinacia turkestanica* Пjin.) кам ҳолда (16 тур ёки 2,15%) ҳам кўп учрайди.

Шундай қилиб ареал типларининг таҳлили натижаси шуни кўрсатадики, Сурхон қўриқхонасининг флораси Тоғлиўртаосиё флораларига хос хусусиятларга эга ҳамда таркибида Кўхитанг тизмасининг эндем турлари кўплиги билан ажралиб туради.

Сурхон давлат қўриқхонаси флорасида Тоғли Ўрта Осиё провинцияси таркибига кирувчи 6 оила, 7 туркумга мансуб 8 турдаги эндем турлар тарқалган. Улардан 1 таси яъни, *Lepidolopha fedtschenkoana* Knorring тури Кўхитанг тоғ тизмасида жойлашган Сурхон давлат қўриқхонасининг эндем ўсимлиги ҳисобланади. Бу тур асосан қўриқхонага яқин жойлашган қишлоқ аҳолиси томонидан ўтин сифатида чопиб кетилиши сабабли популяцияси камайиб кетмоқда.

1- жадвал

Тоғли Ўрта Осиё провинциясининг эндем туркум ва турлари

Оиласи	Тур	Биоэкологияси
<i>Brassicaceae</i>	<i>Trichochiton inconspicuum</i> Kom.	Ўрта Осиёда тарқалган тур. Кўхитанг тизмасининг пастки адир қисмида кенг тарқалган бўлиб, асосан майда тошли, қумлоқ ва соз тупроқли ерларда ўсади.
<i>Apiaceae</i>	<i>Lipskya insignis</i> (Lipsky) Nevski	Жанубий Помиролой учун тор эндем тур. Кўхитанг тизмаси худудида Вандоп бўлимининг жанубий қисмида д.с. 1000 м баландликда гипсли, ола жинсли, тош тупроқли ёнбағирликларда ўсади. 100 м ² майдонда 100-120 туп атрофида тарқалган. Камайиб бораётган тур. Ўзбекистон Республикасининг “Қизил китоби” га киритилган.
	<i>Korshinskya olgae</i> (Regel et Schmalh.) Lipsky	Жануби-Ғарбий Ҳисор тоғ тизмаларидаги ареали ажралган камёб ўсимлик. Сурхон қўриқхонасида Кампиртепа, Шалқон, Қизилолма ва Хўжанқо бўлимларида д.с. 2500 м баландликда тошли, шағалли, ола жинсли ёнбағирларда тарқалган.
<i>Plumbaginaceae</i>	<i>Chaetolimon setiferum</i> (Bunge) Lincz.	Ўрта Осиё паст текистликларида тарқалган эндем тур. Асосан Кўхитанг, Туркменистон паст тоғлари, Ҳисор ва Бойсун тоғ тизмаларида тарқалган.

<i>Scrophulariaceae</i>	<i>Spirostegia bucharica</i> (B.Fedtsch.) Ivanina	Жануби-ғарбий Помир Олойдаги камёб, эндем ўсимлик. Кўхитанг тизмасида Қизилолма бўлими Зараутсой сойининг шимолий ёнбағрида учрайди. Сурхон кўриқхонаси худудидан ташқарида Лойлик қишлоғи атрофида кичкина популяцияси аниқланган. Асосан гипсли оҳактошларда, гипсли қояларда тўп-тўп бўлиб ўсади. 100 м ² майдонда ўртача 15-20 донани ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг “Қизил китоби” га киритилган.
<i>Campanulaceae</i>	<i>Sergia regelii</i> (Trautv.) Fed.	Ўрта Осиёда кам учрайдиган тур. Асосан Кўхитанг, Бойсун ва Каттақурчук, Тахтақарачи, Ҳисор тизмаларида шағалли ва майда тошли, соз тупроқли ёнбағирларда д.с. 2200-2800 м баландликда ўсади
<i>Asteraceae</i>	<i>Lepidolopha fedtschenkoana</i> Knorring	Тоғли Ўрта Осиёда жуда кам учрайдиган турлардан бири. Фақатгина Кўхитанг тизмасининг Боғлидара ва Танги-Дувал худудларида д.с. 1000 м баландликда тош ёриқларида, тошли ва шағалли ёнбағирларда учрайди. Асосан якка-якка ҳолда тўп-тўп бўлиб ўсади
	<i>Lepidolopha nuratavica</i> Krasch.	Нурота ва Кўхитанг тизмаларида тарқалган камёб ўсимлик. Кўриқхонада фақат битта популяцияда, яъни Боғлидара худудида аниқланди. Тўп-тўп бўлиб, тошли ёнбағирларда д.с. 1200-1500 м баландликда (100 м ² майдонда ўртача 5-10 дон) ўсади.

Сурхон кўриқхонаси флораси таркибида тарқалган Тоғли Ўрта Осиё провинциясининг эндем турлари Кўхитанг тизмасининг 0,8 %, Сурхон кўриқхонаси флорасининг 1,1 % ни ташкил этади. Бу эса Кўхитанг тизмасининг Ўзбекистонда ўсимликлар генофондини ҳамда биохилма-хиллигини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Камелин Р.В. Флорогенетический анализ естественной флоры горной Средней Азии. – Л.: Наука, 1973. – 353 с.
2. Ибрагимов А.Ж. Флора Сурханского государственного заповедника (хребет Кугитанг): Автореф. дис...канд. биол. наук. – Ташкент, 2010. – 22 с.

3. Yuldasheva Z. F., Karabayeva D. J. The effect of different doses of different biostimulants on the yield of oily sunflower //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2023. – Т. 1142. – №. 1. – С. 012097.
4. Kamalovna Y. Z., Juraevna K. D. Effect of Biostimulator Norms on the Growth and Development of Sunflowers. – 2023.
5. Kamalovna Y. Z., Jo'raevna K. D. The effect of biostimulants at different rates on the yield of replanted oilseed sunflower //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – Т. 21. – С. 35-40.
6. Qoraboeva D. J. The impact of varying the rate of biostimulant application on the stem height of oilseed sunflower plants that have been replanted //Экономика и социум. – 2024. – №. 6-2 (121). – С. 525-528.
7. Kamalovna Y. Z., Zhuraevna K. D. The effect of repeated biostimulators on stem height //JOURNAL OF HEALTHCARE AND LIFE-SCIENCE RESEARCH. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 42-46.
8. Kamalovna Y. Z. et al. The Effect of a Biostimulator on the Growth, Development and Yield of Oily Sunflower //International Journal on Integrated Education. – Т. 3. – №. 11. – С. 157-159.